



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 3 » iyun

№ 343

Toshkent sh.

Атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

Атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш, атроф табиий муҳитни кузатиш, унинг ифлосланиш даражасини башорат қилиш, давлат экологик назоратини доимий ахборот билан таъминлаш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф муҳитга таъсири мониторингини амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимининг Ягона геоахборот маълумотлар базаси яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Гидрометеорология хизмати маркази ва Фанлар академияси **2021 йил 1 ноябрга** қадар атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги бўйича идоравий электрон ахборот маълумотлар базасининг Ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилинишини таъминласин.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи **2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

сув ресурслари, атмосфера ҳавоси ва тупроқларни ифлослантирувчи манбалар мониторинги;

атмосфера ҳавоси, ер усти ва ер ости сувлари ҳамда ерларнинг ифлосланиши мониторинги;

хавfli экзоген геологик жараёнлар мониторинги;

қўллар экотизимлари мониторинги;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари мониторинги;

атроф муҳитнинг трансчегаравий ифлосланиш мониторинги;

атроф табиий муҳит давлат мониторингининг электрон маълумотлар базасини ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилиш;

таҳлил лабораторияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ўлчов-назорат асбоб-ускуналарини модернизация қилиш;

илмий ишлар ва инновацион тадбирларни амалга ошириш.

4. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дастурда назарда тутилган тадбирлар ва топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг Дастурда назарда тутилган тадбирларни бажариш бўйича фаолиятини мувофиқлаштирсин;

2021 йил 1 декабрга қадар атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимининг Ягона геоахборот маълумотлар базасини тўлиқ шакллантирсин;

жорий йил якунига қадар атроф муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш бўлимларини 8 та мобиль лабораториялар, замонавий назорат-ўлчов асбоб-ускуналари ва бошқа жиҳозлар билан таъминласин;

атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги маълумотлар умумлаштирилиши ва чуқур таҳлил қилинишини, шунингдек, ҳар йили бюллетень ва ҳар уч йилда Миллий маъруза нашр этилишини таъминласин;

Дастурда белгиланган тадбирлар бажарилиши ҳақида ярим йиллик ва йил якунлари бўйича умумлаштирилган ҳисоботларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ ва Сув хўжалиги вазирлиги:

ичимлик сув ҳавзаларидаги сув сифатини ўрганиш, уларнинг ифлосланишининг олдини олиш, ифлослантурувчи манбаларни аниқлаш ҳамда бартараф этишни таъминласин;

аҳоли сувдан оммавий фойдаланадиган жойлардаги сув объектларида сувнинг микробиологик ва санитария-кимёвий кўрсаткичлари бўйича узлуксиз кузатувларни ўтказиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси мониторингини юритиш, ерларнинг унумдорлигини баҳолаш ва тупроқ хариталарини тузиш чораларини кўрсин;

ҳар йили ер ресурслари ҳолати тўғрисидаги Миллий ҳисоботни тайёрласин ва унинг нашр этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

замонавий технологияларни жорий этган ҳолда, ер ости сизот сувлари сифати ва ҳолатини назорат қилиш учун суғориладиган ерларда кузатув тизимини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга оширсин;

геоахборот технологияларини жорий этган ҳолда, сизот сувлар сатҳи ва шўрланиш даражасининг мелиоратив кадастрини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси давлат ўрмон хўжалиги ва ўрмон-ов хўжалиги ҳудудларида ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси мониторинги юритилиши ва унинг натижаларини ҳар чоракда Давлат кадастрлари ягона тизимига киритилиб борилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази республикадаги 22 та шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларида жойлашган 61 та турғун постларда атмосфера ҳавосининг сифати бўйича кунлик, майда дисперсли заррачалар бўйича ойлик кузатишлар олиб борилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги
ДАСТУРИ**

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|--|---|--|-----------------|--|--|--------------------------|
| I. Сув ресурсларини ифлосланттирувчи манбалар мониторинги | | | | | | |
| 1. | Республика шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларидаги оқова сув тозалаш иншоотларининг самарали ишлашини ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ташланаётган оқова сувларнинг ҳолати ва сифати мониторингини юритиш. | <p>1. Республика шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларидаги тозалаш иншоотлари сувидан намуналар олиш, дала тадқиқотларини ўтказиш ва оқова сув тозалаш иншоотлари ҳолатини ўрганиш.</p> <p>2. Олинган намуналарни лаборатория шароитида таҳлил қилиш ва маълумотларни камерал ишлаш.</p> <p>3. Олинган маълумотларни баҳолаш ва тегишли тадбирларни белгилаш ҳамда амалга ошириш учун натижаларни манфаатдор вазирлик ва идораларга, хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этиш.</p> <p>4. Натижаларни атроф табиий муҳит мониторинги тизимининг Ягона геоахборот маълумотлар базасига киритиш.</p> <p>5. Ҳисоботларни тайёрлаш.</p> | Ҳар чоракда | <p>Сув ресурсларининг оқова сувлар билан ифлосланиш ҳолатини вақтида аниқлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг атроф муҳитга ифлосланттирувчи моддаларни ташлашда экологик меъёрга риоя этиши юзасидан самарали экологик назоратни амалга ошириш таъминланади.</p> <p>Жойлардаги давлат бошқаруви органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан зарарли моддалар ташламаларининг солиштирма ҳажмини камайтириш бўйича тегишли чоралар кўрилади, шунингдек, оқова сув тозалаш иншоотларининг самарадорлигини ошириш бўйича мониторинг маълумотлари билан таъминланади.</p> <p>Оқова сув ташланадиган жойларда санитария-эпидемиологик ва экологик хавфсиз вазият яратилишига кўмаклашилади.</p> | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Давлат экология қўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|--|--|------------------------|---|--|--|
| 2. | Мазкур Дастурга 1-иловадаги рўйхатга мувофиқ оқова сувларни қабул қилувчи сув ҳавзаларининг суви сифати мониторингини юритиш. | <p>1. Сувдан намуналар олиш, дала тадқиқотлари ўтказиш.</p> <p>2. Олинган намуналарни лаборатория шароитида таҳлил қилиш ва маълумотларни камерал ишлаш.</p> <p>3. Олинган маълумотларни баҳолаш ва тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун натижаларни манфаатдор вазирлик ва идораларга, хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этиш.</p> <p>4. Натижаларни атроф табиий муҳит мониторинги тизимининг Ягона геоахборот маълумотлар базасига киритиш.</p> <p>5. Ҳисоботларни тайёрлаш.</p> | Ҳар чоракда | <p>Сув объектлари сифатига таъсир қилувчи оқова сувларнинг очиқ сув ҳавзаларига таъсирини баҳолаш, салбий таъсир этувчи жараёнларнинг ривожланишини ўз вақтида аниқлаш ва прогноз қилиш ҳамда ушбу жараёнлар зарарли таъсирининг олдини олиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади.</p> <p>Сув объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида ўз вақтида бошқарув қарорлари қабул қилинади.</p> <p>Сувнинг ифлосланиш индекси кўрсаткичлари яхшиланади.</p> | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Давлат экология қўмитаси |
| 3. | Чирчиқ, Оҳангарон, Сирдарё, Норин, Зарафшон, Марғилонсой, Қашқадарё, Сурхондарё дарёлари ҳавзаларида ўзанларни тозалаш ишлари ўтказилаётган дарё ва сойлар сув оқимларининг ҳолати мониторингини олиб бориш. | <p>1. Очиқ сув ҳавзалари ўзанини тозалаш ишлари амалга оширилаётган участкаларни хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Очиқ сув ҳавзалари ўзанини тозалаш ишлари амалга ошириладиган участкаларда дала тадқиқотлари ўтказиш бўйича ҳамкорликда режа-жадвални ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Ўзанларни тозалаш ишлари олиб борилаётган участкаларда тегишли ўлчов ва дала тадқиқотларини ташкил қилиш.</p> <p>4. Очиқ сув ҳавзалари ўзанларининг ҳолатини яхшилаш</p> | Режа-жадвалига мувофиқ | <p>Ўзан тозалаш ишлари амалга оширилаётган сув ҳавзалари объектларида дала тадқиқотларини ўтказишнинг ҳамкорликдаги режа-жадвали тасдиқланади.</p> <p>Қирғоқларнинг бузилиши, ювилиши ва сув ҳавзаси ўзанларини лойқа босишининг олдини олиш, шунингдек, гидротехник иншоотлари ва бошқа сув объектлари хавфсизлиги таъминланади.</p> | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида ва бажарувчиларнинг ҳар йили ажратадиган маблағлари | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат экология қўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|--|--|--|-----------------|---|--|--------------------------|
| | | учун аниқ чора-тадбирларни бажариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш. | | | | |
| II. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар мониторинги | | | | | | |
| 4. | Атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий манба ҳисобланган турғун ифлослантириш манбаларида мониторинг ўтказиш. | <p>1. Ташлама манбаларида жойига чиқиб намуналар олиш ва ўлчовлар ўтказишни ташкил қилиш.</p> <p>2. Чанг-газдан тозалаш курилмаларининг самарадорлигини ўрганиш.</p> <p>3. Мониторинг натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш.</p> <p>4. Тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун натижаларни Давлат экология қўмитаси органларига ва хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этиш.</p> <p>5. Мониторинг натижаларини атроф табиий муҳит мониторинги тизимининг Ягона геоахборот маълумотлар базасига киритиш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.</p> <p>6. Ҳисоботлар тайёрлаш.</p> | Ҳар ойда | <p>Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, махсус ваколатли давлат органлари ва алоқадор хўжалик юритувчи субъектлар ифлослантирувчи моддалар ташламалари ҳажми бўйича маълумотлар билан таъминланади.</p> <p>Меъёридан юқори ташламалар оқибатида келиб чиқадиган салбий ҳолатларни бартараф қилишга кўмаклашилади.</p> <p>Турғун манбалардан зарарли моддалар ташламаларини камайтириш чораларини кўриш учун самарали экологик назорат таъминланади.</p> <p>Чиқарилаётган газларнинг умумий миқдоридаги ифлослантирувчи моддалардан ушлаб қолинадиган ва зарарсизлантириладиган моддалар улушини ошириш мақсадида чанг-газдан тозалаш курилмаларининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.</p> | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Давлат экология қўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|--|---|--|-----------------|---|---|---|
| III. Тупроқларни ифлослантирувчи манбалар мониторинги | | | | | | |
| 5. | Тупроқни ифлослантириш манбалари жойлашган ҳудудларда мониторинг ўтказиш. | <p>1. Ерни ифлослантириш манбаларида мониторинг ўтказиш бўйича тайёргарлик кўриш.</p> <p>2. Жойига бориб тупроқдан намуна олишни ташкил қилиш ва далада зарур ўлчовларни ўтказиш.</p> <p>3. Тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва тупроқнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш.</p> <p>4. Мониторинг натижаларини атроф табиий муҳит мониторинги тизимининг Ягона геоахборот маълумотлар базасига киритиш.</p> <p>5. Натижаларни жойлардаги давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга тегишли чоралар кўриш ва уларни амалга ошириш учун тақдим этиш.</p> <p>6. Ҳисоботлар тайёрлаш.</p> | Ҳар ярим йилда | <p>Атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар жойлашган ҳудудларда тупроқни ифлослантирувчи омиллар ўз вақтида аниқланади.</p> <p>Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан самарали экологик назорат таъминланади.</p> <p>Мониторинг натижалари бўйича ер ифлосланишининг олдини олиш юзасидан тегишли чоралар кўриш ва уларни амалга ошириш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва алоқадор хўжалик юритувчи субъектлар ахборот билан таъминланади.</p> | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Давлат экология кўмитаси |
| 6. | Мазкур Дастурга 2-иловадаги рўйхатга мувофиқ қуйқа тўплагичлар жойлашган ҳудудларда тупроқни ифлослантирувчи манбалар мониторингини юритиш. | <p>1. Ерни ифлослантириш манбаларида мониторинг ўтказиш режасини тайёрлаш.</p> <p>2. Жойига бориб тупроқ-грунтдан намуна олишни ташкил қилиш ва далада зарур ўлчовлар ўтказиш.</p> <p>3. Тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва тупроқнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш.</p> <p>4. Мониторинг натижаларини атроф табиий муҳит мониторинги</p> | Ҳар ярим йилда | <p>Қуйқа тўплагичлар жойлашган ҳудудларда атроф муҳит ҳолати мониторинги тизими яратилади.</p> <p>Қуйқа тўплагичларнинг атроф табиий муҳит ҳолатига салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш учун манфаатдор томонларни ахборот билан таъминлаш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини бошқариш бўйича ҳудудий</p> | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида, Давлат экология кўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ва тегишли хўжалик юритувчи | Давлат экология кўмитаси, тегишли хўжалик юритувчи субъектлар |

| T/p | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|---|--|-----------------|---|--|---|
| | | <p>тизимининг Ягона геоахборот маълумотлар базасига киритиш.</p> <p>5. Натижаларни Давлат экология қўмитасининг жойлардаги давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга тегишли чоралар кўриш ва уларни амалга ошириш учун тақдим этиш.</p> <p>6. Ҳисоботлар тайёрлаш.</p> | | схемалар ишлаб чиқилади. | субъектларнинг маблағлари | |
| 7. | <p>Мазкур Дастурга 3-иловадаги рўйхатга мувофиқ хомашё чиқиндихоналари жойлашган худудларда тупроқни ифлослантирувчи манбалар мониторингини юритиш.</p> | <p>1. Ерни ифлослантириш манбалари бўйича мониторинг ўтказиш режасини тайёрлаш.</p> <p>2. Жойига бориб тупроқдан намуна олишни ташкил қилиш ва далада зарур ўлчовлар ўтказиш.</p> <p>3. Тадқиқот натижаларини камерал қайта ишлаш ва умумлаштириш, тупроқнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш.</p> <p>4. Мониторинг натижаларини атроф табиий муҳит мониторинги тизимининг Ягона геоахборот маълумотлар базасига киритиш.</p> <p>5. Натижаларни Давлат экология қўмитасининг жойлардаги органларига, жойлардаги бошқа давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга тегишли чоралар кўриш ва уларни амалга ошириш учун тақдим этиш.</p> <p>6. Ҳисоботлар тайёрлаш.</p> | Ҳар ярим йилда | <p>Хомашё чиқиндилари жойлашган худудларда атроф муҳит ҳолати мониторинги тизими яратилади.</p> <p>Хомашё чиқиндиларининг атроф табиий муҳит ҳолатига салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш учун манфаатдор томонларни ахборот билан таъминлаш, хомашё чиқиндиларини бошқариш бўйича ҳудудий схемалар ишлаб чиқилади.</p> | <p>Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида, Давлат экология қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ва тегишли хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари</p> | Давлат экология қўмитаси, тегишли хўжалик юритувчи субъектлар |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|---|--|-----------------|--|--|---|
| 8. | <p>Мазкур Дастурга 4-иловадаги рўйхатга мувофиқ sanoat чиқиндилари жойлашган худудларда тупроқни ифлослантирувчи манбалар мониторингини юритиш.</p> | <p>1. Ерни ифлослантириш манбалари бўйича мониторинг ўтказиш режасини тайёрлаш. 2. Жойига бориб тупроқдан намуна олишни ташкил қилиш ва далада зарур ўлчовлар ўтказиш. 3. Тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва камерал қайта ишлаш, тупроқнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш. 4. Мониторинг натижаларини атроф табиий муҳит мониторинги тизимининг Ягона геоахборот маълумотлар базасига киритиш. 5. Натижаларни Давлат экология қўмитаси органларига, жойлардаги давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга тегишли чоралар кўриш ва уларни амалга ошириш учун тақдим этиш. 6. Ҳисоботлар тайёрлаш.</p> | Ҳар ярим йилда | <p>Саноат чиқиндилари жойлашган худудларда атроф муҳит ҳолати мониторинги тизими яратилади. Саноат чиқиндиларининг атроф табиий муҳит ҳолатига салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш учун манфаатдор томонларни ахборот билан таъминлаш, чиқиндиларни бошқариш бўйича худудий схемалар ишлаб чиқилади.</p> | <p>Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида, Давлат экология қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ва тегишли хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари</p> | Давлат экология қўмитаси, тегишли хўжалик юритувчи субъектлар |
| 9. | <p>Мазкур Дастурга 5-иловадаги рўйхатга мувофиқ захарли моддалар кўмиладиган полигонларда тупроқни ифлослантирувчи манбалар мониторингини юритиш.</p> | <p>1. Захарли кимёвий моддалар кўмиладиган полигонларда ер ифлосланиши мониторингини ўтказиш режасини тайёрлаш. 2. Дала тадқиқотларини ўтказиш ва тупроқлардан намуналар олиш. 3. Лаборатория таҳлилларини бажариш. 4. Тадқиқот натижаларини қайта ишлаш ва тупроқнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш.</p> | Ҳар ярим йилда | <p>Захарли кимёвий моддалар қолдиқлари билан атроф муҳитнинг ифлосланиш омиллари ўз вақтида аниқланади. Давлат органлари захарли кимёвий моддалар кўмиладиган жойнинг атроф муҳит ва аҳоли саломатлигига салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун</p> | Бажарувчилар маблағлари | Давлат экология қўмитаси, тегишли хўжалик юритувчи субъектлар |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|---|--|----------------------|---|--|---|
| | | <p>5. Натижаларни атроф табиий муҳит мониторинги тизимининг Ягона геоахборот маълумотлар базасига киритиш.</p> <p>6. Маълумотларни Давлат экология қўмитасининг жойлардаги органларига, манфаатдор вазирлик ва идораларга тегишли чоралар қўриш ва уларни амалга ошириш учун тақдим этиш.</p> <p>7. Ҳисоботлар тайёрлаш.</p> | | мониторинг маълумотлари билан таъминланади. | | |
| 10. | <p>Мазкур Дастурга 6-иловага мувофиқ қаттиқ маиший чиқиндилар тўпланадиган ҳудудларда тупроқни ифлослантирувчи манбалар мониторингини юритиш.</p> | <p>1. Қаттиқ маиший чиқиндилар полигонлари бўйича дастлабки маълумотларни йиғиш ва иш режасини тайёрлаш.</p> <p>2. Дала тадқиқотларини ташкил этиш ва тупроқлардан намуналар олиш.</p> <p>3. Кузатувлар натижаларини қайта ишлаш ва олинган намуналарни таҳлил қилиш.</p> <p>4. Полигонлар яқинидаги ерларнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш.</p> <p>5. Натижаларни атроф табиий муҳит мониторинги тизимининг Ягона геоахборот маълумотлар базасига киритиш.</p> <p>6. Маълумотларни Давлат экология қўмитасининг жойлардаги органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва</p> | Ярим йилда бир марта | <p>Қаттиқ маиший чиқиндилар полигонлари жойлашган ҳудудларда атроф муҳит ҳолати бўйича мониторинг тизими ташкил этилади.</p> <p>Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар тупроқ ифлосланиши ҳолатлари бўйича ўз вақтида керакли чора-тадбирларни амалга ошириш учун қаттиқ маиший чиқиндилар йиғиладиган жойларда ўтказилган мониторинг маълумотлари билан таъминланади.</p> <p>Қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларининг аҳоли саломатлиги ва атроф муҳитга салбий таъсирини камайтиришга кўмаклашилади.</p> | <p>Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида, Давлат экология қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ва тегишли хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари</p> | Давлат экология қўмитаси, тегишли хўжалик юритувчи субъектлар |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|--|--|---|------------------|--|--|--------------|
| | | идораларга тегишли чоралар кўриш ва уларни амалга ошириш учун тақдим этиш. 7. Ҳисоботлар тайёрлаш. | | | | |
| IV. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш мониторинги | | | | | | |
| 11. | Угом-Чотқол давлат биосфера резерватининг Бошқизилсой кўриқхона участкасининг Бошқизилсой дарёси ҳавзасидаги турғун кузатиш пунктида ифлослантирувчи моддаларнинг мавжудлик даражаси бўйича атмосфера ҳавосининг фон мониторингини ўтказиш. | 1. Бошқизилсой дарёси ҳавзасидаги станцияда атмосфера ҳавосининг фон мониторингини ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлаш. 2. Фон мониторингини ўтказиш учун атмосфера ҳавосидан намуналар олиш ва зарур ўлчовлар ўтказиш. 3. Атмосфера ҳавоси намуналари таҳлилини ўтказиш. 4. Олинган маълумотларни қайта ишлаш ва атмосфера ҳавоси ҳолатини баҳолаш. 5. Маълумотларни манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш. | Дастурга мувофиқ | Угом-Чотқол давлат биосфера резерватининг Бошқизилсой кўриқхона участкасининг Бошқизилсой дарёси ҳавзасида атмосферадаги ифлослантирувчи моддаларнинг мавжудлик даражаси аниқланади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Ўзгидромет |
| 12. | Республикадаги 22 та шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларида жойлашган 61 та турғун постларда (Олмалик, Ангрен, Андижон, Бекобод, Бухоро, Гулистон, Денов, Когон, Қарши, Китоб, Қўқон, Марғилон, Навоий, Наманган, Нукус, Самарқанд, Сариосиё, Тошкент, Урганч, Фарғона, Чирчиқ, Шахрисабз шаҳарларида) атмосфера | 1. Атмосфера ҳавосидан намуналар олиш ва зарур бўлган ўлчовлар ўтказиш. 2. Атмосфера ҳавоси намуналари таҳлилини ўтказиш. 3. Маълумотларни манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш. | Ҳар куни | Атмосферадаги асосий ва ўзига хос хусусиятли ифлослантирувчи моддаларнинг бир марталик ва ўртача суткалик концентрацияси ҳақидаги маълумотлар олинади. Атмосферадаги ифлослантирувчи моддалар концентрациясининг ўртача ойлик, ўртача йиллик ва кўп йиллик маълумотлари олинади. Атмосфера ҳавоси юқори ва | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Ўзгидромет |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|---|--|------------------|--|--|--------------|
| | хавоси сифати бўйича кузатишлар олиб бориш. | | | ўта юқори даражада ифлосланган шаҳарлар сонини қисқартириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун маълумотлар билан таъминланади. | | |
| 13. | Атмосфера хавосини кузатиш пунктларидан майда дисперсли (кейинги ўринларда – PM10 ва PM2,5) заррачалар билан атмосфера хавоси ифлосланиши мониторингини юритиш. | <p>1. Атмосфера хавосидаги PM10 ва PM2,5 майда дисперсли заррачалар мониторинги дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Ускуналар сотиб олиш чоралари билан PM10 ва PM2,5 майда дисперсли заррачаларни кузатиш пунктларини ташкил этиш.</p> <p>3. Ҳар ойда атмосфера хавоси намуналари таҳлилинини ўтказиш.</p> <p>4. Олинган маълумотларни қайта ишлаш ва атмосфера хавоси ҳолатини баҳолаш.</p> <p>5. Маълумотларни манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш.</p> | Дастурга мувофиқ | Атмосфера хавосидаги PM10 ва PM2,5 ўртача ойлик ва йиллик концентрациялари ҳақида ахборот олинади. Атмосфера хавосининг PM10 ва PM2,5 майда дисперсли заррачалар билан ифлосланиш даражасини пасайтириш чораларини кўриш ва ишлаб чиқиш учун ахборот тақдим этилади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Ўзгидромет |
| 14. | Турғун кузатув пунктларида ер усти атмосфера қатламининг радиоактив ифлосланиши юзасидан назоратни амалга ошириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудларида жойлашган станцияларда | <p>1. Тегшли дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Радиоактив ифлосланишни аниқлаш бўйича ўлчовлар ўтказиш.</p> <p>3. Олинган натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.</p> <p>4. Натижаларни маҳаллий</p> | Дастурга мувофиқ | Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиация ҳолати ҳақидаги маълумотлар олинади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Ўзгидромет |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|---|---|---|--|--|--|---------------------------|
| | экспозицион доза кувватини назорат қилиш. | давлат ҳоқимияти органлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларга такдим этиш. | | | | |
| V. Ер усти сувларининг ифлосланиши мониторинги | | | | | | |
| 15. | Ичимлик сув ҳавзаларидаги сув сифатини ўрганиш ҳамда уларни ифлослантувчи манбаларни аниқлаш. | 1. Аниқланган ифлослантувчи манбалар асосида мониторинг ўтказиш пунктларини танлаш. 2. Сув объектлари мониторинги бўйича санитария-эпидемиологик давлат назорати ҳудудий марказларининг йиллик режасини тузиш ва тасдиқлаш. | Ҳар чорақда | Объектлар ҳамда сув оқимлари ва сув ҳавзаларининг санитария-эпидемиологик ҳолатини кузатиш дастури қайта кўриб чиқилади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| 16. | 956 та сув объектларидаги 1380 та назорат пунктларида сувнинг микробиологик ва санитария-кимёвий кўрсаткичлари бўйича кузатувлар ўтказиш. | 1. Кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлар бўйича асосий ифлослантувчиларни аниқлаш ва очиқ сув ҳавзалари ҳолатини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш. 2. Таҳлил натижаларига кўра ҳолатни баҳолаш. 3. Маълумотларни умумлаштириш ва баҳолаш. | 2021–2025 йиллар | Аҳоли сувдан оммавий фойдаланадиган жойларда сув объектларининг санитария-эпидемиологик ҳолати баҳоланади. Сув оқимларининг ифлосланиш сабаблари аниқланади. Сув ҳавзалари санитария-эпидемиологик ҳолатининг ёмонлашуви натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатлар бартараф этилади. Аҳолининг касалликка чалиниш даражаси камайтирилади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| 17. | Уран конлари чиқиндилари жойлашган Чотқол-Курама ҳудудидаги ва Зарафшон дарёси водийсидаги дарё сувлари ва чўкмаларида | 1. Объектларни танлаб олиш ҳамда дарё сувлари ва чўкмаларида радиоактив ва заҳарли элементлар билан ифлосланиш ўчоқларини аниқлаш | Ҳар йиллик Минерал хомашё базасини ривожлан- | Мониторинг ўтказиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Давлат геология кўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|---|--|--|--|--|--------------|
| | радиоактив ҳамда заҳарли элементлар билан ифлосланиш ўчоқларини аниқлаш ва уларнинг мониторингини юритиш. | <p>ҳамда мониторингини юритиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда тасдиқлаш.</p> <p>2. Танланган объектлар бўйича сув ва сув ости чўкмаларидаги радиоактив ҳамда заҳарли элементлар миқдори юзасидан кузатувлар ўтказиш.</p> <p>3. Асосий ифлослантувчи манбаларни аниқлаш ва ифлосланганлик даражасини баҳолаш.</p> <p>4. Кузатув натижалари ва тавсиялар асосидаги маълумотларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш.</p> | <p>тириш ва қайта тўлдириш давлат дастури билан белгиланган муддатларда</p> <p>Тасдиқланган лойиҳага мувофиқ</p> <p>Ҳар ярим йилда</p> | <p>Дарё сувлари ва чўкмалари ифлосланганлик даражаси баҳоланади.</p> <p>Дарё сувлари ва чўкмалари ифлосланишдан муҳофаза қилинади.</p> | | |
| 18. | Угом-Чотқол давлат биосфера резерватининг ер усти сувлари объектларида ифлослантувчи моддаларнинг мавжудлик даражаси бўйича фон мониторингини юритиш. | <p>1. Ер усти сувлари объектларида ифлослантувчи моддаларнинг мавжудлик даражаси бўйича фон мониторингини юритиш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Ер усти сув объектларида ифлослантувчи моддаларнинг мавжудлик даражаси бўйича фон мониторингини юритиш учун сувдан намуналар олиш ва зарур ўлчовларни бажаришни ташкил этиш.</p> <p>3. Сувдан олинган намуналарнинг таҳлилини ўтказиш.</p> | Гидрологик босқичларга мувофиқ | Ер усти сувлари объектларида ифлослантувчи моддаларнинг мавжудлик даражаси бўйича фон мониторинги натижалари бўйича маълумотлар олинади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Ўзгидромет |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|--|--|---|---|---|-------------------|
| | | <p>4. Олинган маълумотларни қайта ишлаш ва сув сифатини баҳолаш.</p> <p>5. Манфаатдор ташкилотларга маълумотларни тақдим этиш.</p> | | | | |
| 19. | <p>Ўзгидрометнинг кузатув пунктларида ер усти сувларининг гидрокимёвий кўрсаткичлари мониторингини юритиш.</p> | <p>1. Ер усти сувлари мониторингини юритиш режасини тузиш.</p> <p>2. Дала кузатувлари ва сувдан намуналар олишни ташкил этиш.</p> <p>3. Таҳлилларни бажариш ва маълумотларни камерал қайта ишлаш.</p> <p>4. Олинган натижаларни умумлаштириш ва ер усти сувларининг ҳолати ҳақидаги маълумотларни манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш.</p> | <p>2021–2025 йиллар</p> <p>Ҳар чорак якунида</p> | <p>Сув ҳавзаларидаги сув сифати ҳақида маълумотлар олинади.</p> <p>II, III ва IV тоифали сув ҳавзаларининг ҳолати ҳақида амалдаги ва прогноз маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатиш тизимининг ҳамда кузатув тармоқларининг фаолият кўрсатиши таъминланади.</p> <p>Сув ҳавзаларидаги сув сифатини яхшилаш бўйича қарорлар қабул қилишда кўмаклашилади.</p> | <p>Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида</p> | <p>Ўзгидромет</p> |
| 20. | <p>Тошкент вилоятидаги 10 та сув объектларининг 27 та сув пунктларида гидробиологик кўрсаткичлар мониторингини юритиш.</p> | <p>1. Тайёргарлик ишларини амалга ошириш.</p> <p>2. Тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш, сув ҳавзаларининг гидробиологик ҳолатини ва гидробионтлардан намуналар олиш.</p> <p>3. Намуналарни таҳлил қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш.</p> <p>4. Натижаларни умумлаштириш ҳамда ҳисоботларни тайёрлаш ва Давлат экология кўмитасига тақдим этиш.</p> | <p>Ҳар йили (баҳорда ва кузда)</p> <p>Ҳар чорак якунида</p> | <p>Сув массасининг умумий ифлосланганлик даражасига боғлиқ ҳолда сув ҳавзаларининг экологик ҳолати ва биологик синфи баҳоланади.</p> | <p>Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида</p> | <p>Ўзгидромет</p> |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|---|--|---|---|--|------------------------|
| 21. | Коллектор-дренаж тармоқлари сувлари сифатининг мониторингини юритиш. | <p>1. Дала тадқиқотларини ташкил этиш ва коллектор-дренаж тармоқлари сувидан намуналар олиш.</p> <p>2. Намуналарни таҳлил қилиш ва олинган натижаларни баҳолаш.</p> <p>3. Сизот сувлари сатҳи ва шўрланиш даражасини онлайн режимда бошқариш бўйича босқичма-босқич “Diver” курилмалари” билан жиҳозлаш ва геоахборот технологияларини жорий этган ҳолда мелиоратив кадастрини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, манфаатдор вазирлик ва идораларга маълумотларни белгиланган тартибда тақдим этиш.</p> | <p>Ҳар йилги дастурга мувофиқ</p> <p>Ҳар ярим йил якунида</p> | Сифатли мелиоратив кадастр тузиш, коллектор-дренаж сувларининг сифатини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Сув хўжалиги вазирлиги |
| 22. | Коллектор-дренаж тармоқларининг техник ҳолатини дала шароитида ўрганиш. | <p>1. Мониторингнинг йиллик дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Коллектор-дренаж тармоқларининг техник ҳолатини дала шароитида ўрганишларни амалга ошириш.</p> <p>3. Коллектор-дренаж тармоқларининг техник ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш.</p> | Ҳар йилги дастурга мувофиқ | <p>Коллектор-дренаж тармоқларининг, шу жумладан, дарё ва табиий пастликларга қуйиладиган коллекторларнинг (85 та) техник ҳолати баҳоланади.</p> <p>Коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ҳамда ўзанларни лойқа босиши ва емирилиш жараёнларининг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.</p> | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Сув хўжалиги вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|---|--|---|---|---|--|--------------------------|
| VI. Ер ости сувларининг ифлосланиш мониторинги | | | | | | |
| 23. | Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ер ости сувларининг гидродинамик ва гидрокимёвий ҳолати мониторингини юритиш. | 1. Республикадаги 97 та ер ости сув конлари бўйича ер ости сувларининг гидродинамик ва гидрокимёвий ўзгариши, ер ости сув ресурси, захиралари, сув истеъмолчилари, сув олиш иншоотлари ҳисоби ва кадастрини ўз ичига олган ер ости сувлари давлат мониторингининг вилоятлар кесимида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш. 2. Ер ости сувлари давлат мониторингини юритиш. 3. Аниқланган салбий ҳолатларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш. | Ҳар йиллик минерал хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастури билан белгиланган муддатларда | Табиий ва бузилган шароитларда ер ости сувларининг гидрокимёвий ва гидродинамик режимининг мавсумий ва кўп йиллик шаклланиш хусусиятлари ва прогноз кўрсаткичлари аниқланади. Салбий жараёнларнинг ривожланишидан огоҳлантириш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ер ости сувлари гидросферасининг ҳозирги ҳолати тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланади. Гидрогеологик хулосалар берилади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Давлат геология кўмитаси |
| 24. | Ер ости сизот сувлари сифати ва ҳолатини назорат қилиш учун суғориладиган ерларда кузатув тизимини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга ошириш. | 1. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш. 2. Ишларни бажариш учун пудратчиларни аниқлаш. 3. Қурилиш ва қайта тиклаш ишларини амалга ошириш. 4. Кузатув тизимини ишга тушириш. | 2021–2025 йиллар | Замонавий технологияларни жорий этган ҳолда, суғориладиган ерлардаги ер ости сизот сувларининг ҳолати ва сифати бўйича назорат яхшиланади ва иш унумдорлиги оширилади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Сув хўжалиги вазирлиги |
| VII. Хавфли экзоген геологик жараёнлар мониторинги | | | | | | |
| 25. | Республиканинг тоғ ва тоғолди ҳудудларининг (Андижон, Намаган, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё, | 1. Хавфли экзоген геологик жараёнлар мониторингини юритиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва | Ҳар йиллик минерал хомашё базасини | 2021–2025 йилларда хавфли экзоген геологик жараёнлар мониторингини юритиш лойиҳа-смета ҳужжати ишлаб чиқилади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар | Давлат геология кўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|---|---|---|--|---|--|--------------|
| | Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида) фаол геологик жараёнлар намоён бўладиган ҳудудларида хавфли экзоген геологик жараёнлар (кўчки, ёрилиш, ўпирилиш, ювилиш, силжиб тушиш, тош кўчишнинг ҳосил бўлиши) мониторингини юритиш. | <p>белгиланган тартибда тасдиқлаш.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикасининг тоғ ва тоғолди ҳудудлари чегарасида дала тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва хавфли геологик жараёнлар юзасидан юқори тайёргарлик усулида (февраль–июнь, ноябрь–декабрь) ва кунлик фаолият (йилнинг қолган даврида) режимли кузатувлар олиб бориш.</p> <p>3. Хавфли геологик жараёнлар ривожланиш эҳтимоли бўлган ҳудудларни аниқлаш, уларни олдини олиш ва аҳолини ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиб, ижро учун манфаатдор вазирлик ва идораларга киритиш.</p> | <p>ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастури билан белгиланган муддатларда 2021–2025 йиллар</p> <p>Ҳар ойда (зарурат бўлганда тезкор)</p> | <p>Хавфли экзоген геологик жараёнлар келиб чиқиши мумкин бўлган объектларни аниқлаш, уларнинг ва улар оқибатининг олдини олиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар ўз вақтида огоҳлантирилади ва хабардор қилинади.</p> <p>Аҳоли ва иқтисодиёт объектлари хавфли экзоген геологик жараёнлардан ҳимоя қилинади.</p> | доирасида | |
| VIII. Ерларнинг ифлосланиш мониторинги | | | | | | |
| 26. | Чотқол давлат кўриқхонасидаги турғун кузатиш станциясида тупроқ ифлосланиши фон мониторингини юритиш. | <p>1. Тупроқ намуналарини олиш ва таҳлил қилиш.</p> <p>2. Ерларнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш.</p> <p>3. Маълумотни тайёрлаш ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш.</p> | Ҳар ярим йилда | Тупроқнинг фон ҳолати аниқланади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Ўзгидромет |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|---|--|--|--|---|---------------------------------|
| 27. | Чотқол-Курама худудидаги фойдаланилган уран конлари ва йирик аҳоли пунктлари худудларида радиация ҳолати ва тупроқлар таркибидаги радиоктив ҳамда заҳарли элементлар билан ифлосланиш юзасидан мониторинг юритиш. | <p>1. Фойдаланилган уран конлари ва йирик аҳоли пунктлари худудларида радиация ҳолати ва тупроқлар таркибидаги радиоктив ҳамда заҳарли элементлар билан ифлосланиш юзасидан мониторинг юритиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб, белгиланган тартибда тасдиқлаш.</p> <p>2. Лойиҳага мувофиқ мониторинг ишларини ташкил этиш ва юритиш.</p> <p>3. Мониторинг натижаларига кўра тупроқнинг металл ва радионуклидлар билан ифлосланиш даражасини баҳолаш ҳамда ифлосланган майдонларни рекультивация қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Мониторинг натижаларини умумлаштириш, таҳлил қилиш ва маълумотларни манфаатдор вазирлик ва идораларга киритиб бориш.</p> | <p>Ҳар йиллик минерал хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастури билан белгиланган муддатларда</p> <p>2021–2025 йиллар</p> <p>Ҳар ярим йилда</p> | <p>Радиоэкологик мониторинг юритиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилади.</p> <p>Мониторинг объектларида радиоэкологик ўзгаришлар ўз вақтида қайд этилади.</p> | <p>Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида</p> | <p>Давлат геология қўмитаси</p> |
| 28. | Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқларининг заҳарли кимёвий воситалар билан ифлосланиш мониторингини | <p>1. Мониторинг олиб бориш учун қишлоқ хўжалиги ерларидаги худудларни белгилаб олиш ва иш режасини тузиш.</p> <p>2. Тупроқдан намуналар олиш ва уларни таҳлил қилиш.</p> | <p>Ҳар ярим йилда</p> | <p>Тупроқларнинг заҳарли кимёвий воситалар билан ифлосланиш даражаси юзасидан назорат олиб борилади.</p> <p>Тупроқларнинг заҳарли моддалар билан ифлосла-</p> | <p>Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида</p> | <p>Ўзгидромет</p> |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|---|--|------------------|---|--|---------------------------|
| | юретиш. | <p>3. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва ерларнинг заҳарли кимёвий воситалар билан ифлосланиш даражасига баҳо бериш.</p> <p>4. Ҳисоботлар тайёрлаш ва маълумотларни манфаатдор вазирлик ва идораларга тегишли чоралар кўриш ва уларни амалга ошириш учун тақдим этиш.</p> | | нишининг олдини олиш бўйича қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш учун махсус ваколатли давлат органлари маълумот билан таъминланади. | | |
| 29. | <p>Йирик саноат шаҳарлари атрофида тупроқларнинг токсик элементлар билан ифлосланиш мониторингини юритиш, шу жумладан,:</p> <p>2021 йил – Бухоро, Урганч ва Чирчиқ шаҳарларида;</p> <p>2022 йил – Нукус ва Самарқанд шаҳарларида;</p> <p>2023 йил – Қўқон, Навоий ва Тошкент шаҳарларида;</p> <p>2024 йил – Андижон, Бекобод ва Наманган шаҳарларида;</p> <p>2025 йил – Олмалиқ, Ангрен ва Фарғона шаҳарларида.</p> | <p>1. Танланган йирик саноат шаҳарлари атрофидаги зоналар учун хос бўлган аниқланган токсик элементлар рўyxатини аниқлаш.</p> <p>2. Тупроқ намуналарини олиш орқали дала кузатувларини ўтказиш.</p> <p>3. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва ерларнинг заҳарли кимёвий воситалар билан ифлосланиш даражасига баҳо бериш.</p> <p>4. Ҳисоботлар тайёрлаш ва маълумотларни манфаатдор вазирлик ва идораларга тегишли чоралар кўриш ва уларни амалга ошириш учун тақдим этиш.</p> | Ҳар йили | Йирик саноат шаҳарлари атрофида тупроқларнинг саноат чиқиндилари билан ифлосланиш даражаси баҳоланади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Ўзгидромет |
| 30. | Суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси мониторингини (шўрланиш ҳолатини сьёмка қилиш) юритиш. | <p>1. Танлаб олинган туманларда ишларни амалга ошириш учун техник топшириқлар ва иш режасини тузиш.</p> <p>2. Шурфлар қазиб, тупроқ намуналарини олиш билан</p> | 2021–2025 йиллар | <p>Суғориладиган ерларнинг унумдорлиги баҳоланади ва тупроқларнинг янгиланган хариталари тузилади.</p> <p>Суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси баҳоланади.</p> | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|--|---|--|------------------|--|--|--|
| | | биргаликда дала тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш. 3. Кимёвий таҳлиллар ўтказиш. 4. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш ва тупроқларнинг шўрланиш даражасини аниқлаш. 5. Тупроқ хариталарини тузиш, таҳлилий маълумотлар ва ҳисоботларни тайёрлаш. | | Турли даражадаги ерларнинг шўрланган майдонини қисқартириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. | | |
| 31. | Тожикистон алюминий компаниясининг салбий таъсирига учраган тупроқ ва сувларнинг ифлосланиши юзасидан комплекс мониторинг ўтказиш (Сурхондарё вилоятининг шимолий туманларида). | 1. Кузатув майдонларини танлаш ва кузатувлар учун бириктириб қўйиш. 2. Тупроқ ва сувлардан намуналар олиш. 3. Тупроқ ва сувларда ифлослантнувчи моддалар миқдорини аниқлаш бўйича таҳлиллар ўтказиш. 4. Бириктирилган ер майдонларида тупроқларнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш. 5. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш учун ҳисобот, тавсия ва таклифлар тайёрлаш. | 2021–2025 йиллар | Тожикистон алюминий компанияси ташламаларининг тупроқ ҳолатига таъсири баҳоланади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Давлат экология қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги |
| IX. Кўллар экотизимлари мониторинги | | | | | | |
| 32. | Кўллар тизими ва сув омборларидаги сувларнинг ушбу Дастурга 7-иловага мувофиқ гидрокимёвий кўрсаткичлари мониторингини юритиш. | 1. Кўллар тизими ва сув омборларидаги сувларнинг гидрокимёвий кўрсаткичлари мониторинги амалга ошириш учун экспедиция тадқиқотлар режаси ва кўллар тизимида кузатувлар | Ҳар чоракда | Кўллар тизимида экологик мониторинг тизими ривожлантирилади. Кўлларга туташ табиий ҳудудлар салбий антропоген, техноген ва табиий омиллар | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Давлат экология қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|--|--|-----------------|---|---|--|
| | | <p>Ўтказиш дастурини тайёрлаш.</p> <p>2. Дала ишларини ташкил этиш ҳамда кўлларнинг сифат ҳолати намуналарини олган ҳолда кузатувлар ўтказиш.</p> <p>3. Кимёвий-физикавий таҳлиллар ва уларнинг камерал таҳлилини ўтказиш.</p> <p>4. Олинган маълумотларни умумлаштириш, таҳлиллар натижаларининг кўллар тизими ва сув омборларидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини, жумладан, Қизил китобга киритилган турларга салбий таъсирини ҳамда кўлларнинг экологик ҳолатини баҳолаш.</p> <p>5. Ҳисоботлар тайёрлаш ва кўлларнинг экологик ҳолатини яхшилаш мақсадида манфаатдор давлат органларига тавсиялар ҳамда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун уларни тақдим этиш.</p> | | <p>таъсиридан муҳофаза қилинади.</p> <p>Кўллар тизимига ифлослантирувчи моддалар оқоваларининг ташланишини камайтиради ва кўлларнинг рекреацион салоҳиятидан самарали фойдаланилади.</p> <p>Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари, жумладан, Қизил китобга киритилган турлар сақлаб қолинади.</p> | | |
| 33 | <p>Кўллар тизимларига туташган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳолатининг мониторингини юритиш.</p> | <p>1. Кўллар тизимларига туташган ерлар ҳолатининг мониторингини юритиш дастурини тайёрлаш.</p> <p>2. Дала ишларини ташкил этиш ва кўлларга туташган ерлар ҳолати бўйича тупроқ-грунт намуналарини олган ҳолда кузатувлар ўтказиш.</p> <p>3. Кимёвий-физикавий таҳлиллар ва уларнинг камерал таҳлилини ўтказиш.</p> | Ҳар йили | <p>Ерларнинг деградацияга ва чўлланишга учраш ҳолатларини бартараф этиш бўйича тавсиялар ҳамда ўрмон-фитомелиоратив тадбирларни амалга ошириш учун тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадида кўлларга туташган ҳудудлардаги ерлар ва ландшафтларнинг ҳолати бўйича маълумотлар олинади ва баҳоланади.</p> | Бажарувчилар маблағлари | <p>Давлат экология кўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси</p> |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|--|--|-----------------|--|--|---|
| | | <p>4. Олинган маълумотларни умумлаштириш ва ерларнинг экологик ҳолатини баҳолаш.</p> <p>5. Ҳисоботлар тайёрлаш ва уларни манфаатдор давлат органларига тегишли чоралар кўриш учун тақдим этиш.</p> | | | | |
| 34. | <p>Денгизкўл кўли (Бухоро вилояти), Айдар-Арнасой кўллар тизими (Жиззах ва Навоий вилоятлари), Тўдакўл ва Қуйимозор сув омборларининг (Навоий вилояти) биологик хилма-хиллиги (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ихтиофауна) мониторингини юритиш.</p> | <p>1. Кўллар тизимида биологик хилма-хиллик мониторингини амалга ошириш учун кузатувлар ўтказиш бўйича дастур тайёрлаш.</p> <p>2. Кўчма экспедициялар ташкил этиш ва биологик-орнитологик мониторинг ўтказиш.</p> <p>3. Сув ҳавзаларидаги сувда сузувчи қушларнинг турлари ва сони бўйича мавжуд ихтиофауна турларини ва уларнинг табиий захирасини аниқлаш.</p> <p>4. Кузатув маълумотларини таҳлил қилиш ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг турлари кесимида уларнинг ҳисобини юритиш.</p> <p>5. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари бўйича олинган мониторинг маълумотларини давлат кадастр тизимига киритиш.</p> <p>6. Ўрганилаётган кўллар ҳудудида биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.</p> | Ҳар йили | <p>Сув ҳавзаларидаги сувда сузувчи қушларнинг турлари ва сони бўйича мавжуд ихтиофауна турлари ва уларнинг табиий захираси ҳақида маълумотлар тўпланади.</p> <p>Мониторинг маълумотларини ҳайвонот дунёси давлат кадастри тизимига киритиш ҳамда улардан биологик ресурслардан барқарор фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича қарорлар қабул қилишда фойдаланилади.</p> <p>Мониторинг маълумотлари ҳисоботларга киритилади ва Рамсар Конвенцияси бўйича мажбуриятларни бажаришда қўлланилади.</p> <p>Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини, жумладан, Қизил китобга киритилган турларни сақлаб қолишга хизмат қилади</p> | <p>Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси” давлат унитар корхонаси маблағлари доирасида</p> | <p>Давлат экология қўмитаси, Фанлар академияси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси” давлат унитар корхонаси, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси</p> |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|---|---|--|------------------|---|--|--|
| Х. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари мониторинги | | | | | | |
| 35 | Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг локал мониторингини ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар табиий экотизимларидан келиб чиққан ҳолда, мониторинг амалга ошириладиган камида 20 та экотизим ҳудудларини (пунктларини) аниқлаш. | <p>1. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари бўйича локал мониторинг ўтказиш ҳудудларини аниқлаш ҳамда мониторинг амалга ошириладиган кузатув пунктининг паспортини тайёрлаш.</p> <p>2. Дастлабки маълумотлар ва материалларни йиғиш.</p> <p>3. Биомониторинг ўтказиш бўйича мезонларни танлаш.</p> <p>4. Маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш.</p> <p>5. Локал мониторинг ўтказиладиган ҳудудларнинг хусусиятларини аниқлаш ҳамда геоахборот технологияларини қўллаган ҳолда хариталар тузиш.</p> | 2021–2022 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектлари мониторинг олиб бориш учун камида 20 та экотизим ҳудудлари (жумладан, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар) идентификация қилинади, танлаб олинган ҳудудларнинг тегишли хусусиятлари аниқланади, шу жумладан, уларнинг хариталари тузилади. | <p>Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида, Давлат экология кўмитаси, Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат геология кўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Кадастр агентлиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетдан ташқари маблағлари</p> | <p>Давлат экология кўмитаси, Фанлар академияси, Давлат геология кўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Кадастр агентлиги, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси</p> |
| 36. | Танлаб олинган ҳудудларда (пунктларда) ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг индикатор турлари бўйича мониторинг ўтказиш. | <p>1. Дала экспедицияларини ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот индикатор турларининг ҳолати бўйича кузатувларни ташкил этиш.</p> <p>2. Локал мониторинг ўтказиш ҳудудларини ҳамда ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг индикатор турларини батафсил ўрганиб, тузатиш ва аниқликлар киритиш.</p> | 2021–2025 йиллар | Узоқ муддатли локал мониторинг олиб бориш учун асос бўладиган ҳайвонот ва ўсимликлар индикатор турларининг ҳолати бўйича асосий маълумотлар олинади. | <p>Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида, Давлат экология кўмитаси, Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,</p> | <p>Давлат экология кўмитаси, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Кадастр агентлиги, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси уюшмаси</p> |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|--|---|------------------|--|--|---|
| | | | | | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Кадастр агентлиги, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси, хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетдан ташқари маблағлари | |
| 37. | Мазкур Дастурга 8-иловадаги рўйхатга мувофиқ Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси тизимидаги давлат ўрмон хўжалиги ва ўрмон-ов хўжалиги ҳудудларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси мониторингини юритиш. | <p>1. Дала тадқиқотларини ташкил этиш ҳамда ёввойи ўсимликлар ва ҳайвонлар (овладиган ҳайвон турлари) ҳисобини Давлат экология кўмитаси тасдиқлаган рўйхат асосида олиб бориш.</p> <p>2. Кузатув маълумотларини таҳлил қилиш (уларнинг ўзгариш динамикаси) ва ҳисобот тайёрлаш.</p> <p>3. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари бўйича олинган мониторинг маълумотларини Ягона давлат кадастр тизимига киритиш.</p> <p>4. Таҳлил натижаларига кўра ўрмон фонди ерларида мавжуд бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг муҳим объектларни сақлаб қолиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.</p> | 2021–2025 йиллар | Узоқ муддатли локал мониторинг олиб бориш учун асос бўладиган ҳайвонот ва ўсимликлар индикатор турларининг ҳолати бўйича асосий маълумотлар олинади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари | Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Фанлар академияси, Давлат экология кўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|---|---|---|---|--|--|
| 38. | Мазкур Дастурга 9-иловадаги рўйхатга мувофиқ давлат кўриқхоналари, табиат боғлари, биосфера резерватлари ва “Жайрон” ихтиссослаштирилган питомниги хуудларидаги Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг ҳамда экологик тизим ҳолатининг локал мониторингини юритиш. | 1. Муҳофаза этиладиган табиий хуудларда мониторинг ўтказиш бўйича иш дастурини тайёрлаш. 2. Муҳофаза этиладиган табиий хуудларнинг йиллик иш режаларига мувофиқ дала тадқиқотларини ташкил этиш ҳамда ўсимлик ва ҳайвонлар ҳисобини юритиш. 3. Кузатув маълумотларини таҳлил қилиш (уларнинг ўзгариш динамикаси) ва ҳисобот тайёрлаш. 4. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари бўйича олинган мониторинг маълумотларини давлат кадастр тизимига киритиш. | 2021 йил давомида 2021–2025 йиллар | Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган, шу жумладан, 6 та давлат кўриқхоналари, 5 та миллий табиат боғлари, 2 та биосфера резерватлари ва Бухоро ихтиссослаштирилган “Жайрон” питомниги хуудларидаги ўсимлик ва ҳайвон турлари бўйича асосий маълумотлар олинади. Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектлари популяцияларининг сонини сақлаб қолиш ва қайта тиклаш учун фойдаланилади. | Хар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида, Давлат экология кўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг бюджетдан ташқари маблағлари | Давлат экология кўмитаси, Фанлар академияси, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |
| 39. | Муҳофаза этиладиган табиий хуудлар ходимларини ўсимлик ва ҳайвонлар сонини ҳисобга олиш ва мониторинг юритиш усуллари бўйича ўқув семинарларини ўтказиш. | 1. Муҳофаза этиладиган табиий хуудлар ходимларини ўсимлик ва ҳайвонлар сонини ҳисобга олиш бўйича давлат тилида давлат ҳисоби ва мониторингини юритиш бўйича услубий қўлланмаларнинг босма ва электрон шакли билан таъминлаш. 2. Ўқув- семинарларни ўтказиш. 3. Муҳофаза этиладиган табиий хуудларда дала тадқиқотлари асосида амалий машғулотлар ўтказиш. | 2021–2022 йиллар | Узоқ муддатли истиқболда муҳофаза этиладиган табиий хуудлардаги ўсимлик ва ҳайвонлар сони тўғрисида ишончли маълумотлар олинади. | Давлат экология кўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари | Давлат экология кўмитаси, Фанлар академияси, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |
| 40. | Ўзбекистон Республикаси хуудига мансуб (бегона) бўлмаган ҳайвон турлари мониторингини юритиш. | 1. Ўзбекистон Республикаси хуудида яшовчи бегона ҳайвонлар турлари рўйхатини тузиш. | 2021–2022 йиллар | Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция талаблари бажарилади. | Давлат экология кўмитасининг бюджетдан ташқари | Давлат экология кўмитаси, Фанлар академияси, |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|---|---|---------------------------|---|---|---|
| | | <p>2. Маҳаллий ҳайвонот дунёсига потенциал ёки мавжуд таҳдидларни (хавфни) аниқлаш.</p> <p>3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда келгусида жорий этиш учун ҳайвонларнинг бегона турларини мониторинг қилиш тартибини ишлаб чиқиш.</p> | | <p>Бегона турларнинг республика ҳудудига кириб келиши ва таъсири бўйича назорат такомиллаштирилади.</p> <p>Бегона турлар бўйича давлат мониторингини юритишнинг назарий асослари ишлаб чиқилади.</p> | маблағлари | тегишли вазирлик ва идоралар |
| 41. | Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ёввойи ҳайвонлар, шунингдек, овладиган ҳайвонот дунёси объектлари тўғрисида қўлланма ва йўриқномалар тайёрлаш. | <p>1. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда яшовчи ҳайвонларнинг асосий турларини шакллантириш.</p> <p>2. Турларнинг тавсифлари билан матнларни тайёрлаш ва муаллифлик фотосуратларини (расмларни) танлаш.</p> <p>3. Қўлланма-йўриқномаларни чоп этиш ва нусхалаш.</p> <p>4. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ходимларини қўлланма-йўриқноманинг электрон ва босма шакллари билан таъминлаш.</p> | 2022 йил июнь | <p>Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи ҳайвонлар тўғрисидаги расмий қўлланмалар билан таъминланади.</p> <p>Ҳайвонларнинг ноёб ва овладиган турларини мониторинг ҳамда ҳисобини юритишда самарали фойдаланилади.</p> <p>Ноқонуний ов қилиш ва браконьерликка қарши назорат самарадорлигини ошириш имконини беради.</p> | Давлат экология қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари | Давлат экология қўмитаси, Фанлар академияси |
| 42. | Қорақалпоғистон Республикасининг муҳим орнитологик ҳудудларида сувда сузувчи қушларнинг миграциясини мониторинг қилиш (Актепа қўллар тизими, Жилтирбас, Судочье ва Сарқамиш қўлларида). | <p>1. Ушбу ҳудудларда аввал олиб борилган тадқиқотлар акс этган мавжуд адабиётларни, нашрларни ва ҳисоботларни таҳлил қилиш.</p> <p>2. Янги топилмаларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу ҳудуддаги ҳайвонлар турлари рўйхатини янгилаш ёки тузиш.</p> <p>3. Ҳисобга олиш ишлари ўтказиладиган маршрутлар, ҳудудлар ва пунктларни аниқлаш.</p> | Ҳар йили (баҳор ва кузда) | <p>Ноёб ва ов қиладиган сувда сузувчи қушлар турларининг сони ва таркиби тўғрисида маълумотлар олинади.</p> <p>Мониторинг маълумотлари ҳайвонот дунёси объектларини ягона давлат кадастрлари тизимига киритиш ва биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан барқарор фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилишда</p> | Давлат экология қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари | Давлат экология қўмитаси, Фанлар академияси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|--|---|---|---|--|---|--|
| | | <p>4. Дала экспедицияларини ташкил этиш (йилига 2 марта) ва мониторинг ўтказиш.</p> <p>5. Мониторинг маълумотларини ҳайвонот дунёси объектлари Ягона давлат кадастрлари тизимига киритиш.</p> | | <p>қўлланилади.</p> <p>Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларини бажариш мақсадида Африка-Евроосиё сув-ботқоқ кушлари миграциясини сақлаш бўйича битим котибиятига тақдим этиладиган ҳисоботларга мониторинг маълумотлари киритилади.</p> | | |
| 43. | <p>Амударё ва Сирдарё дарёлари қирғоқбўйи ҳудудларидаги тўқай ўрмонлари мониторингини юритиш.</p> | <p>1. Амударё ва Сирдарё дарёлари қирғоқбўйи ҳудудларидаги тўқай ўрмонлари ҳудудларини ҳамда уларнинг сифат ва миқдорини аниқлаш.</p> <p>2. Тўқай ўрмонларининг ўсимликлар тузилиши ва флористик таркибини ўрганиш.</p> <p>3. Мониторинг натижалари асосида маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш.</p> <p>4. Тўқай экотизимларининг асосий биотопларини хариталаш.</p> | <p>2021 йил</p> <p>2021–2023 йиллар</p> <p>2023–2024 йиллар</p> <p>2024–2025 йиллар</p> | <p>Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда уларнинг вазифаларига мувофиқ мониторинг ўтказилади.</p> <p>Мониторинг маълумотларидан фойдаланган ҳолда, тўқайларни тиклаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.</p> <p>Мониторинг натижалари атроф муҳит ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларга киритилади.</p> <p>Мониторинг натижалари турли халқаро шартномалар ва дастурларни амалга ошириш доирасида мамлакатларнинг ҳисоботларига киритилади.</p> | <p>Бажарувчи маблағлари</p> | <p>Давлат экология қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Фанлар академияси</p> |
| XI. Атроф муҳитнинг трансчегаравий ифлосланиш мониторинги | | | | | | |
| 44. | <p>Чегара ҳудудларида атмосферани ифлослантирувчи моддаларнинг трансчегаравий кузатувларини олиб бориш.</p> | <p>1. Мониторинг олиб бориш учун ҳудудларни аниқлаш ва иш режасини тайёрлаш.</p> <p>2. Муайян ҳудудларда атмосфера ҳавосининг ҳолати бўйича кузатувлар олиб бориш.</p> | <p>Ҳар чоракда</p> | <p>Назорат хизматлари фаолиятини такомиллаштириш ва республика ҳудудларининг техноген ҳамда табиий тусдаги трансчегаравий кириб келадиган зарарли моддалар билан</p> | <p>Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида</p> | <p>Ўзгидромет, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат экология қўмитаси</p> |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|---|--|---|--|--|--|---|
| | | 3 Мониторинг натижаларини баҳолаш ва таҳлил қилиш. 4. Тегишли қарорлар қабул қилиш учун манфаатдор давлат органларига маълумотлар тақдим этиш. | | ифлосланишининг олдини олиш бўйича комплекс чоралар кўрилади. | | |
| 45. | Чегара ҳудудларида (Мойлисув, Шохимардонсой, Сумсар, Исфайрамсой, Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари ҳавзаларида) ер усти сувларини ифлослантирувчи моддаларнинг трансчегаравий ўтиши мониторингини юритиш. | 1. Тадқиқотлар олиб бориш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш. 2. Чегара ҳудудларида ер усти сувларининг ҳолати юзасидан мунтазам кузатув ишларини амалга ошириш. 3. Табиий муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш. 4. Кузатув натижалари асосида ҳисоботлар тайёрлаш ҳамда Давлат экология қўмитаси ва манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш. | Ҳар йиллик давлат дастури билан белгиланган муддатларда 2021–2025 йиллар Ҳар ярим йилда | Трансчегаравий сув ҳавзалари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатлари таъминланади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Давлат геология қўмитаси, Давлат экология қўмитаси, Ўзгидромет, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| ХП. Атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш, унинг электрон маълумотлар базасини ягона геоахборот маълумотлар базасига интеграция қилиш, маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш | | | | | | |
| 46. | Олинган таҳлилий маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, уларни нашр этишга тайёрлаш учун умумлаштириш. | 1. Атроф табиий муҳит мониторинги маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш. 2. Ифлослантирувчи манбаларнинг зарарли моддалар эмиссияси ҳолатини баҳолаш ва кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлилинини ўтказиш. | белгиланган муддатларда | Тегишли қарорлар қабул қилиш учун махсус ваколатли давлат органлари атроф муҳит ҳолати бўйича маълумотлар билан таъминланади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Давлат экология қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология |

| T/p | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|---|---|------------------|---|---|--|
| | | | | | | кўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Ўзгидромет, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |
| 47. | Атроф табиий муҳитни ифлослантириш манбалари мониторингининг ягона электрон ахборот-картографик маълумотлар базасининг ва келгусида идоралараро интеграция маълумотлар базасининг тузилмаси ва дастурий таъминотини яратиш. | <p>1. Зарур бўлган инфратузилма ва ахборот сервисларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва республика ҳудудларида жорий қилиш.</p> <p>2. Барча махсус ваколатли давлат органлари, Давлат экология кўмитаси ҳудудий органлари ҳамда атроф табиий муҳит мониторинги Дастурига мувофиқ атроф табиий муҳитнинг ишлаб чиқариш мониторингини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг мониторинг олиб бориш бўйича электрон базаларини яратиш.</p> <p>3. Махсус ваколатли давлат органлари томонидан атроф табиий муҳит ҳолати мониторинги натижасида олинган маълумотлари таҳлил қилиш.</p> <p>4. Асосий табиий компонентлар ҳолатининг ўзгариш динамикасини акс эттирувчи махсус геоахборот тизимини яратиш.</p> <p>5. Геоахборот тизимларини қўллаган ҳолда, атроф табиий</p> | 2021–2025 йиллар | Атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимининг Ягона геоахборот маълумотлар базаси шакллантирилади. Атроф табиий муҳит мониторинги ягона маълумотлар электрон базасининг маълумотлари таҳлил қилинади. | Давлат экология кўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари | Давлат экология кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология кўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Ўзгидромет, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|---|---|---|--|--|---|
| | | <p>муҳит ҳолати мониторингининг электрон маълумотлар базасини жорий этиш ҳамда такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.</p> <p>6. Тизимга хизмат кўрсатувчи, атроф муҳитни ифлослантирувчи манбаларда экологик мониторинг маълумотларини таҳлил қилувчи юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш.</p> <p>7. Атроф муҳитни ифлослантирувчи манбалардан намуналарни олиш ва таҳлил қилиш бўйича автоматик станциялардан ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш учун замонавий ускуналарни харид қилиш.</p> | | | | |
| 48. | <p>Корхоналарда атроф муҳитни ифлослантирувчи манбалар мониторинги ва давлат экологик назоратини ўрнатиш.</p> | <p>1. Атроф муҳитга таъсир хавфи юқори бўлган корхоналардаги атроф муҳитни ифлослантирувчи устувор манбаларни хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Хатлов натижаларига кўра, Давлат экология қўмитаси билан келишилган ҳолда, “Атроф муҳитга таъсир хавфи юқори бўлган корхоналарнинг атмосфера ҳавосини устувор ифлослантириш манбаларидан намуналар олиш ва таҳлил қилиш бўйича ўз маблағлари ҳисобига 2021–2025 йилларда босқичма-босқич автоматик станциялар,</p> | <p>Икки ҳафта муддатда</p> <p>Бир ой муддатда</p> | <p>Атроф муҳитга таъсир хавфи юқори бўлган корхоналарда: атроф муҳитни ифлослантирувчи устувор манбалар мониторингида автоматлаш-тирилган тизим яратилади;</p> <p>атроф муҳит мониторингини амалга оширишда инсон омили камаяди;</p> <p>давлат экологик назоратининг замонавий услуги яратилади;</p> <p>атроф муҳит мониторинги тизимининг ишлаш сифати оширилади;</p> <p>атроф муҳитнинг ифлосланиш</p> | <p>Вазирлик ва идоралар, корхоналарнинг ўз маблағлар ҳисобидан</p> | <p>Ўзгидромет, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖ, “Ўзбекнефтегаз” АЖ, “Иссиклик электр станциялари” АЖ, “Ўзчармсаноат” уюшмаси, “Ўзсаноатқурилиш-материаллари” уюшмаси, “O‘zbekiston metallurgiya kombinati” АЖ,</p> |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|--|--|--|---|--|--|---|
| | | <p>шунингдек, уларга туташ худудларида турғун кузатиш пунктлари билан жиҳозлаш бўйича тармоқ жадвали”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>3. Тасдиқланган тармоқ жадвали ижросини таъминлаш ва натижаси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича маълумотларни таҳлил қилиш.</p> <p>4. Амалга оширилган ишлар юзасидан Давлат экология қўмитасига ахборот киритиш.</p> | 2021 йил 1 октябрдан бошлаб ҳар чорак якунида | даражасини мунтазам баҳолаш ва прогноз қилиш таъминланади. | | <p>“Ўзтўқимачилик-саноат”</p> <p>“Ўзғёмойсаноат” АЖ,</p> <p>“Ўздонмахсулот” АЖ, “Олмалик КМК” АЖ,</p> <p>“Навой КМК” ДК,</p> <p>“Ўзиккиламчи-ранглиметалл” АЖ,</p> <p>“Ўзбеккўмир” АЖ,</p> <p>соҳага тегишли идоралар, корхоналар</p> |
| ХШ. Даврий ва тезкор маълумотларни тайёрлаш | | | | | | |
| 49. | Атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисида йиллик, чораклик, ойлик маълумотлар, бюллетенлар, шунингдек, тезкор маълумотларни тайёрлаш ва нашр этиш. | Ахборот хужжатларини шакллантириш ва этиш. | 2021–2025 йиллар | Давлат органлари, бошқа манфаатдор ташкилотлар, жамоатчилик ва аҳоли атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланади. | Бажарувчилар маблағлари | Давлат экология қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ўзгидромет |
| 50. | Давлат экология қўмитасига атроф табиий муҳит мониторинги натижалари тўғрисида чораклик ҳисоботни ва атроф табиий муҳит мониторинги натижалари | <p>1. Республикадаги мониторинг объектлари бўйича маълумот тўплаш.</p> <p>2. 2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги</p> | <p>Ҳар чоракда</p> <p>Ҳар йили</p> | Давлат ташкилотлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги мониторинг натижалари бўйича маълумотлар билан таъминланади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш мuddати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш хажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|---|--|---|---|---|---|
| | тўғрисида йиллик ҳисоботни тақдим этиш. | дастурида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши бўйича назорат режасига асосан Давлат экология қўмитасига тақдим этиш учун йиллик ҳисоботларни шакллантириш ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш. | | | | Давлат геология қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ўзгидромет |
| 51. | Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий маърузани тайёрлаш ва нашр этиш. | 1. Тегишли вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат Идоралараро ишчи гуруҳни тузиш. 2. 2021–2025 йиллар давомида атроф табиий муҳит мониторинги объектлари бўйича маълумотларни тўплаш ва умумлаштириш. 3. Атроф табиий муҳит ҳолати ҳақида Миллий маърузани нашр этиш. | 2021 йилда, кейинги даврларда 3 йилда бир марта | Ўзбекистон Республикасида 2021-2025 йиллар давомида атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида Миллий маъруза нашр этилади. Аҳоли хабардорлиги оширилади. | 2021 йилда Давлат экология қўмитасининг бюджетдан ташқари умумий қиймати 667,0 млн сўм маблағлари | Давлат экология қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Давлат геология қўмитаси, Ўзгидромет |
| 52. | Ер ресурслари ҳолати тўғрисидаги Миллий ҳисоботни тайёрлаш ва нашр этиш. | 1. Ер ресурсларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш. 2. Ўзбекистон Республикасида ер ресурслари ҳолати тўғрисидаги Миллий ҳисоботни чоп этишда тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш. | Ҳар йили | Ер ресурслари ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот нашр этилади. Аҳоли хабардорлиги оширилади. | Бажарувчилар маблағлари | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат экология қўмитаси, Кадастр агентлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|--|--|--|---|--|---|---|
| XIV. Атроф табиий муҳит мониторингини юритиш учун Атроф муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш бўлимлари (таҳлил лабораториялар)нинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ўлчов-назорат асбоб-ускуналарини модернизация қилиш | | | | | | |
| 53. | Давлат экология қўмитаси тизимидаги Атроф муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш бўлимларининг ўлчов-назорат асбоб ускуналари ва бошқа моддий-техник базасини яхшилаш. | <p>1. Давлат экология қўмитаси тизимидаги Атроф муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш бўлимларининг ўлчов-назорат асбоб ускуналари, мобил лабораториялари ва бошқа моддий-техник базасининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш.</p> <p>2. Ўрганиш натижаларига кўра биринчи босқичда 2021 йилда ва кейинги йилларда талаб этиладиган ўлчов-назорат асбоб-ускуналари ва бошқа моддий-техник база рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Моддий-техник базани харид қилиш бўйича ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш чораларини кўриш ҳамда уларнинг назоратини юритиш.</p> | 2021–2023 йиллар тармоқ жадвалига мувофиқ | Давлат экология қўмитаси тизимидаги Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг атроф муҳитнинг ифлосланиш мониторинги бўлимлари моддий-техник базасини ривожлантирилади ҳамда уларнинг бинолари реконструкция қилинади. | <p>2021 йилда жами 23 011,6 млн сўм (шундан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан – 17 570,5 млн сўм, грант маблағларидан – 3 477,8 млн сўм, Давлат экология қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларидан – 1 963,3 млн сўм);</p> <p>2022 йилда жами 23 832,6 млн сўм (шундан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан – 17 714,7 млн сўм, грант маблағларидан – 4 336,0 млн сўм, Давлат экология қўмитаси жамғармаси маблағларидан –</p> | Давлат экология қўмитаси, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|---|---|---|---|---|--|
| | | | | | 1 781,9 млн сўм); 2023 йилда жами 21 663,7 млн сўм (шундан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан – 17 734,7 млн сўм, грант маблағларидан – 2 152,6 млн сўм, Давлат экология қўмитаси жамғармаси маблағларидан – 1 777,3 млн сўм) | |
| 54. | Давлат экология қўмитаси тизимидаги Атроф муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш бўлимларини мобил лабораториялар билан таъминлаш чораларини кўриш. | 1. Худудлар табиий муҳит ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, мобил лабораториялар ва уларнинг қурилмалари ҳақида маълумот ва техник тавсифларни шакллантириш. 2. Таҳлил лабораторияларини жиҳозлаш учун 8 та мобил лабораторияларни техник тавсифига кўра харид қилиш учун халқаро тендер савдоларини эълон қилиш. 3. Таҳлил лабораторияларини жиҳозлаш учун 8 та мобил лабораторияларни харид қилиш. | 2021 йил май 2021 йил май 2021 йил июнь | Давлат экология қўмитаси тизимидаги Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг атроф муҳитнинг ифлосланиш мониторинги бўлимлари моддий-техник базаси такомиллаштирилади ва уларнинг бинолари реконструкция қилинади. | Осиё тараққиёт банкининг 2,640 млн АҚШ доллари микдордаги кредит маблағлари | Давлат экология қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Лойиҳани бошқариш гуруҳи |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|--|--|--|--|---|--|
| 55. | Давлат экология қўмитаси тизимидаги Тошкент вилояти Атроф муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш бўлимини замонавий назорат-ўлчов асбоб-ускуналари ва бошқа жиҳозлари билан таъминлаш. | <p>1. Тошкент вилояти Атроф муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш бўлими ҳолатини ўрганиш ва талаб этиладиган замонавий назорат-ўлчов асбоб-ускуналари рўйхати, улар ҳақида маълумот ва техник тавсифни шакллантириш.</p> <p>2. Таҳлил лабораториясини замонавий таъмирлаш ва ўрганиш натижаларига кўра талаб этиладиган замонавий назорат-ўлчов асбоб-ускуналарини харид қилиш учун халқаро тендер савдоларини эълон қилиш.</p> <p>3. Таҳлил лаборатория учун талаб этиладиган замонавий назорат-ўлчов асбоб-ускуналари харид қилиш.</p> | <p>2021 йил май</p> <p>2021 йил май</p> <p>2021 йил июнь</p> | Давлат экология қўмитаси тизимидаги Тошкент вилояти Атроф муҳит ифлосланишини мониторинг қилиш бўлими талаб даражасига етказилиб, лаборатория замонавий назорат-ўлчов асбоб-ускуналари билан жиҳозланади ва экологик мониторинг тизими яхшиланади. | Осиё таракқиёт банкининг 1,0 млн АҚШ доллари миқдордаги кредит маблағлари | Давлат экология қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Лойиҳани бошқариш гуруҳи |
| 56. | Вазирлар Маҳкамасининг “Радиациявий аварияларни прогноз қилиш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 15 октябрдаги 869-сон қарори талабларига мувофиқ замонавий радиациявий мониторинг юритувчи лабораторияни ташкил қилиш ва унинг фаолиятини таъминлаш. | <p>1. Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш тизимини яратиш.</p> <p>2. Бюджет ва бюджетдан ташқари ҳамда халқаро грантлар ҳисобидан автоматлаштирилган кузатув ва хабар бериш тизимини яратиш.</p> <p>3. Радиациявий хавфсизликни таъминловчи тузилмаларни замонавий ўлчов воситалари билан етарлича таъминлаш.</p> | 2021–2025 йиллар | Давлат экология қўмитаси тизимидаги таҳлил лабораториялари радиациявий вазиятни назорат қилувчи асбоб-ускуналар билан жиҳозланади ҳамда радиоэкологик мониторинг маълумотлари ишончлилиги ва натижадорлиги оширилади. | Ҳар йили Давлат экология қўмитасига ажратилаётган давлат бюджети маблағлари доирасида | Давлат экология қўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|---|---|-------------------|---|--|--------------------------|
| 57. | Ер ости сувлари ва тупроқда радон миқдорини ўлчаш, шунингдек, радионуклидларнинг умумий алфа-фаоллигини ўлчаш учун замонавий воситаларни харид қилиш. | 1. Асбоб-ускуналарни танлаш ва Минерал хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурига киритиш. 2. Асбоб ва қурилмаларни харид қилиш. 3. Харид қилинган асбоб-ускуналарни синовдан ўтказиш, созлаш ва амалиётга киритиш. | 2021–2025 йиллар | Атроф табиий муҳитнинг радиация мониторингини олиб боровчи бўлинма техник жиҳатдан таъминланади ва радиацияни ўлчаш ишончилиги ва самарадорлиги ошади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Давлат геология кўмитаси |
| 58. | Мониторинг олиб бориладиган 2739 та қудуқларда ер ости сувларининг сатҳи ва ҳарорати тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва сақлаш бўйича автоматлаштирилган ускуналарнинг такомиллаштирилган Дастурий таъминотини харид қилиш. | 1. Дастурий таъминот учун техник топшириқ ишлаб чиқиш ва мақбул таъминот турини танлаш. 2. Дастурий таъминотни белгиланган тартибда харид қилиш. 3. Фойдаланишга киритиш. | 2021–2025 йиллар | Ер ости сувлари мониторинги маълумотларининг ҳаққонийлиги ва ишончилиги таъминланади ҳамда ускуналар техник такомиллаштирилади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Давлат геология кўмитаси |
| 59. | Ер ости сувларидаги радон, торон ҳамда уларнинг иккиламчи элементлари миқдорини аниқлаш учун Альфарад ускунасини харид қилиш. | 1. Ускуна турини танлаш ва уни харид қилишни Минерал хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш давлат дастурига киритиш. 2. Ускунани белгиланган тартибда харид қилиш. 3. Ускунани амалиётда қўллаш. | 2022 йил давомида | Ер ости сувларидаги радон миқдори тезкор ва ишончли аниқланади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Давлат геология кўмитаси |
| 60. | Хавфли геологик жараёнлар мониторинги маълумотларини йиғиш, сақлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш бўйича замонавий тизим жорий қилиш. | 1. Маълумотларни йиғиш, сақлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг тўлиқлигини, ишончилигини ва | 2021 йил давомида | Худудларда кузатилган хавфли геологик жараёнлар, улар келтирган зарар ва содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлардан огоҳлантириш оркали тегишли | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Давлат геология кўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва маъбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|---|--|---|------------------|--|---|---|
| | | самарадорлигини ошириш. 2. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, мониторинг натижаларига асосланган маълумотлардан фойдаланиш, тегишли ташкилотлар ўртасида маълумот алмашинувини жорий этиш. | | чоралар ўз вақтида кўрилади. Хавfli геологик жараёнлар мониторингида фаолият юритаётган ходимларнинг хизмат вазибалари самарадорлиги ошади. | | |
| 61. | Ер усти, ер ости сувларини ва тупроқлардаги тез ўзгарувчан компонентлар ҳамда токсик металлларни дала шароитида аниқлайдиган, автотранспортга жиҳозланган замонавий мобил ускуналарни харид қилиш. | 1. Тез ўзгарувчан компонентлар ҳамда токсик металлларни дала шароитида аниқлайдиган, автотранспортга жиҳозланган мобил ускуналарни харид қилиш тўғрисида эълон бериш. 2. Ускуналарни харид қилиш. 3. Ускуналарни синовдан ўтказиш ва фойдаланишга киритиш. | 2021–2025 йиллар | Ер усти, ер ости сувларининг ва тупроқ ифлосланиши мониторингини олиб боровчи бўлинма техник жиҳатдан таъминланади ҳамда мониторинг натижалари ишончилиги ва самарадорлиги ошади. | Ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида | Давлат геология кўмитаси |
| XV. Атроф табиий муҳитнинг мониторингини амалга оширишда илмий ишлар ва инновацион тадбирлар | | | | | | |
| 62. | Республика шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларидан чиқадиган оқова сувларни қабул қилувчи сув ҳавзаларига чиқариб юборишдан олдин оқова сувлар ҳолатини ва сифатини яхшилаш мақсадида сув ўсимликлари пистия (<i>Pistia stratiotes</i> L., <i>Araceae</i>), эйхорния (<i>Eichhornia crassipes</i> Solms. <i>Pontederiaceae</i>) ва азолла (<i>Azolla caroliniana</i> Wild. <i>Azollaceae</i>) ёрдамида уларни биологик тозалашнинг | 1. Сувдан дастлабки намуналар олиш. 2. Олинган намуналарни лаборатория шароитида таҳлил қилиш. 3. Тозалаш иншоотларига юксак сув ўсимликларини экиш. 4. 15 кун давомида юксак сув ўсимликлари ёрдамида тозаланган оқова сувдан намуналар олиш. 5. Олинган намуналарни лаборатория шароитида таҳлил қилиш ва дастлабки намуналар таҳлили билан солиштириш. | Режа асосида | Юксак сув ўсимликлари ёрдамида оқова сувлар органик-минерал моддалардан, оғир металллардан, цианидлардан, нефть маҳсулотларидан ҳамда патоген микроорганизмлардан тозаланган сувда эриган кислород миқдори кўпаяди, оқова сувлар тиниклашади ва қўланса ҳиди йўқолади. Пистия, эйхорния ва азолла ёрдамида тозаланган сувни техник мақсадларда, яъни қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш, | Стартап лойиҳаси доирасида маблағ ҳажми аниқлаштирилади | Фанлар академияси, “Ўзсувтаъминот” АЖ, Давлат экология кўмитаси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|--|--|---|--|---|---|
| | самарали усулини амалга ошириш. | 6. Олинган маълумотларни баҳолаш ва тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун натижаларни манфаатдор вазирлик ва идораларга тақдим этиш. | | балиқчилик ҳовузларига ва очик сув ҳавзаларига чиқариб юборишга имкон туғилади. Оқова сувларда кўпайтирилган сув ўсимликлари биомассасини кўчат сифатида бошқа тозалаш иншоотларининг биологик ҳовузларига экиш ҳамда улардан қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларини, балиқларни боқишда оқсил-витаминли ҳамда минерал озуқа сифатида фойдаланиш имкони яратилади. | | |
| 63. | Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш учун учувчисиз қурилмалардан фойдаланиш. | <p>1. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастрини юритиш учун учувчисиз қурилмалар ёрдамида Ўзбекистон Республикасининг экологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, тадқиқот усулларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш.</p> <p>2. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ходимларининг учувчисиз қурилмалар ёрдамида ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг давлат мониторингини юритиш учун малакасини оширишни ташкил этиш.</p> <p>3. Мониторинг натижаларини йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун платформа яратиш.</p> | <p>2021–2022 йиллар</p> <p>2021–2023 йиллар</p> | <p>Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда учувчисиз қурилмалардан фойдаланган ҳолда, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини ҳисобга олиш усуллари ишлаб чиқилади.</p> <p>Инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси захираларини сақлаш бўйича кадрлар салоҳияти кучайтирилади.</p> <p>Жойларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари сони, яшаш муҳити ва миграцияси тўғрисида ишочли маълумотлар олинади.</p> | Давлат экология қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари | Давлат экология қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Фанлар академияси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Кутилаётган натижалар | Молиялаштириш ҳажмлари ва манбалари (млн сўм) | Бажарувчилар |
|-----|---|--|-----------------------------|--|---|---|
